

ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ТАРБИЯЛАШДА УМУМИЙ ТАЪЛИМНИНГ АҲАМИЯТИ

Azimov Mirodil Abdixalimovich

O'R QK Akademiyasi kafedra katta o'qituvchisi

*Senior Lecturer of the Academy of the Armed Forces of the Republic of
Uzbekistan*

Ватанпарварлик, миллий ахлоқий онг масаласини, айниқса, педагогика фанига тарғиб қилиш ва сингдириш зарур. Педагогик жараёнда ўқитиладиган фан мақсадига ватанпарварлик ҳам киритилиши шарт. Умуман ватанпарварлик нима? Эслатиб ўтамиз, ватанпарварлик моҳиятини ватанга муҳаббат ва ватан учун шахсий манфаатларини қурбон қилишга асосланган ҳиссий боғлиқликдир. Бу боғланиш ўзи мансуб бўлган миллатнинг этник, маданий, сиёсий ва тарихий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда миллий туйғу ёки миллий ғурур сифатида ҳам юзага келади. Бу ерда ўз ватанининг характерини, маданий дурдоналарини асраш ва шу фазилатлар билан ўзини бошқа миллат вакилларига танитиш, Ватан, ўз халқи манфаатини ҳимоя қилиш ҳам ватанпарварлик фазилатларига киради. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси умумий талқиндаги ватанпарварликдан қатор жиҳатларга кўра фарқланишини тадқиқотчи Г.М.Эргашева қуйидагича изоҳлайди:

биринчидан, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси фуқароларини Ватанни қурол билан ҳимоя қилишга тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган;

иккинчидан, ҳарбий ватанпарварлик асосини Қуролли Кучларнинг удумлари ташкил этади, ватанпарварлик тарбияси асосини эса ҳарбий удум билан бир қаторда меҳнат удумлари ташкил қилади;

учинчидан, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси Қуролли Кучларига нисбатан ҳурмат ва ғурурланиш, ҳарбий хизматчи бўлишга хоҳиш ва интилиш ҳамда қўлида қурол билан мустақил ватанни ҳимоя қилиш ҳиссини уйғотади. Ватанпарварлик тарбияси эса Ватанига содиқлик, ўз давлатининг буюклигини, кучлилигини мустаҳкамлаш, мустақиллигини ҳимоя қилиш ҳиссини ривожлантиради.

Ватанпарварликнинг тарихий илдизида минг йиллар давомида яшаб, мустаҳкамланиб келган, она Ватани, тили ва анъаналарига боғланган давлатчилик ётади.

Глобал ўзгаришлар шароитида ватанпарварлик жамият тафаккурининг ажралмас қисмига айланиб, унинг ривожланишининг миллий моментларини акс эттиради. Ватанпарварлик тушунчаси турлича шаклланган. 18-асрдаги Америка ва Франция буржуа инқилоблари даврида у инқилобий мафкура билан боғланиб, “миллат”

тушунчаси билан тенглаштирилди. Кейинчалик ватанпарварлик янги давлатларнинг ташкил топиши, миллий ва миллий-озодлик ҳаракатлари ва урушлар арафасида долзарб бўлиб қолди. Тарих давомида ватанпарварлик муҳим рол ўйнаган.

Миллат шаклланиши ва ўзини миллат сифатида намоён этиши учун шахсларнинг ўзлигини англаши, миллий ўзликни англаш ҳисси жуда кучли бўлиши керак. Чунки миллий ўзликка эга бўлмаган халқлар ўзга халқларнинг қулига айланади.

Ҳарбий хизматчининг маънавий-руҳий тайёргарлиги халқнинг тарихий мероси ва дунёвий қадриятларига асосланиши керак. Ахлоқий-психологик тайёргарлик деганда шахсий таркибда жанговар тайёргарликни амалга ошириш, кескин ва хавфли шароитларда фидойилик кўрсатиш, ватанпарварлик эътиқодига содиқлик, вазминлик ва бағрикенглик қобилиятини шакллантириш тушунилади. Ватанпарварлик руҳида тарбияланган халқ психологик жиҳатдан барча қийинчиликларга дуч келади ва пировардида албатта ғалаба қозонади.

Давлат арбоби Мир Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” номли дидактик асарининг “Тарбият топиб, харомнамаклиқ қилғон навкарлар зикрида” номли ўттиз олтинчи фаслида мардлик фазилати билан боғлиқ ахлоқий жиҳатларни қуйидагича изоҳлайди: “Навкарки, вали неъматидин риоят кўргай ва бек ва маҳдумидин тарбият ва иноят кўргай. Эрлик ва инсоният улдурким, муқобаласида қуллуқ ва хидматкорлик, балки якжиҳатлиқ ва жонсипорлиқ қилғай ва тилагайким, анга жон фидо этгай то шафқати ҳуқуқин адо этгай. Ҳамият ул эмаски, маҳдум яна бировга кўпрак мултафит бўлғонидин шикоят изҳор қилғай ва гиламандлиғ гуфту гузори, то иш анга етгайким, неъмат куфрони ороға тушгай ва ҳақ ношинослиқ туғени можароға сурушгай ва бу одамийсизлиқ қочмоққа мунжар бўлғай, адув эшигига борурға муқаррар бўлғай.”

Ёшлар ватанпарварлик, давлатчилик, дунёвийлик тамойилларига таянган ҳолда ўз халқининг тарихи, маданий мероси, урф-одатлари ва давлати, унинг тили ва рамзларига, ахлоқий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланиши керак.

Миллий ватанпарварлик тарбиясининг асосий таркибий қисмлари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

Ватан ҳимоясига шай туриш;

давлат мустақиллиги бардавомлигига ишонч;

халқнинг миллий мафқурасига содиқлик;

миллий қадриятларни эъзозлаш, уни ўз она тилини мукаммал билиш орқали келажак авлодга етказишга ҳаракат қилиш;

миллатнинг муносиб вакили бўлиш учун интеллектуал савияга эга бўлиш.

Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бу бурчни ҳар бир фуқаро ўз имконияти ва кучи доирасида бажариши керак. Ҳарбий хизматчи - Ватаннинг қуролли Ҳимоячисидир. Бу ҳар қандай шароитда, ҳатто ҳаёт учун хавфли вазиятларда ҳам топшириқни, берилган вазифани сўзсиз бажаришни талаб қилади.

Ҳарбий хизматчи олдида турган вазифанинг моҳиятидан келиб чиқиб, замонавий даврда Ватан Ҳимояси учун муҳим ҳисобланган қатор фазилатларга эга бўлиши керак. Ҳарбий хизматчи, энг аввало, ватанпарвар инсондир. У ўз ватанини нафақат шахсий фаровонлиги учун, балки у учун фойдали ёки бирон бир имтиёз учун эмас, балки айнан унинг Ватани, она юрти бўлгани учун севади. Ҳақиқий ватанпарваргина Ҳарбий орденга содиқ бўлиб, ўз қонини, ҳатто жонини ҳам аямай Ҳимоя қилишда барча қийинчиликларга бардош бериб, ўз бурчини мардонавор бажариб, ўз Ватани ва халқига фидокорона хизмат қилиши мумкин. Ҳалол ва обрўли бўлиш Ҳарбий хизматчининг асосий фазилатларидан биридир. Номус – ҳурмат ва ифтихорга лойиқ инсоннинг ахлоқий хислати, ички ахлоқий қадриятидир.

Ҳарбий хизматчининг қадр-қиммати унинг ўзига бўлган ҳурмати, инсон ҳуқуқларини, маънавий-ахлоқий қадриятларни англаши, топширилган вазифага мос келадиган намунали хулқ-атворида намоён бўлади. Ҳарбий хизматчининг хиёнати ва унга нисбатан муносабат ҳақида Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг қуйидаги ўғитлари ибратлидир: “Қайси бир сипоҳий туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим. Чунончи, Тўхтамишхон билан бўлган урушда унинг амирлари менга хабарлар ва шикоятлар ёзиб, ўз ҳукмдори, яъни менинг душманим бўлмиш Тўхтамишхон берган туз ҳақини унутдилар. Вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, менинг ҳузуримга паноҳ истаб келганлари учун уларни лаънатладим, ўзимча “булар ўз соҳибига вафо қилмагач, менга қилармиди”, деб ўйладим”.

Ҳарбий хизматчи Ватан Ҳимоячиси унвонини улуғлаши ва уни оқлай олиши учун қандай фазилатларга эга бўлиши керак?

Биринчидан, ҳар бир Ҳарбий хизматчи Ватан Ҳимояси учун ўзининг шахсий масъулиятини теран англаши, хизмат бурчини виждонан ва аниқ бажариши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир Ҳарбий хизматчи Ҳарбий хизматнинг асосий моҳияти, армиянинг жанговар қобилияти ва Ватан Ҳимояси учун жанговар тайёргарлиги муҳимлиги ҳақида аниқ ва тўғри тасаввурга эга бўлиши керак.

Учинчидан, ҳар бир Ҳарбий хизматчи тинчлик ва уруш даврида ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида барча қийинчилик ва тўсиқларни

енгиб ўтишга маънавий, руҳий ва жисмонан тайёр бўлиши керак.

Тўртинчидан, ҳар бир ҳарбий хизматчи Ҳарбий қасамёд, Конституция, шунингдек, Ҳарбий Низом талабларини ҳар қандай оғир шароитда бажаришга психологик тайёр бўлиши керак.

Бешинчидан, ҳар бир ҳарбий хизматчи Қуролли Кучларнинг жанговар шон-шарафи билан фахрланиши, Жанговар Байроқни, Ватан аскарлари сифатида ўз номини улуғлаши, Қуролли Кучлар ва унинг ҳарбий қисмининг ҳарбий анъаналарини ҳурмат қилиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ватанпарварлик, ҳарбий бurch ва ҳарбий шараф армияни енгилмас қиладиган мана шундай ахлоқий фазилатлардир. Армия сафига қўшилган ҳар бир киши ҳарбий кийимда бўлиб, миллий қаҳрамонларимизнинг шонли меросини ўз зиммасига олади ва уларнинг давомчиси сифатида халқимиз томонидан севилади. Бинобарин, аскар ўз кийимида ўта нозик бўлиши, кичик гуноҳга ҳам йўл қўймаслиги, ҳарбий қисмда (кемада) ва унинг ташқарисидан Қуролли Кучлар номини улуғлаши, ўзи олиб юрган меросига зиён етказмаслиги керак.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ва минтақамизда ҳарбий-сиёсий вазият кескин ўзгарганлиги, миллий ва глобал хавфсизлик соҳасида хатар ва таҳдидлар тобора кучайиб бораётганлиги, ана шундай ўта масъулиятли вазиятда миллий армияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Айниқса, ёшларга ватанпарварлик руҳида таълим ва тарбия бериш бўйича узлуксиз олиб бориладиган ишларнинг долзарб аҳамияти ҳамда барча бўғиндаги профессионал ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, миллий армиямизни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, тайёрланадиган ҳарбий кадрларнинг умумий маданиятини ошириш, уларнинг дам олиши ва спорт билан шуғулланиши учун барча қулай шароитларни яратиш, бу жараёнда ҳарбий билим юртида ҳақиқатан ҳам таълим олишга муносиб, юксак ақл-заковат ва етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни аниқлаш учун уларни ўқишга танлаб олишда талабни ошириш ўта муҳимдир.

Зеро Қуролли Кучларда хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчи ҳисобланади.